БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 31 май Пайшанба
№ 102 (13.538).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Ўзбекистон аҳлига мурожаат

Азиз юртдошлар!
Муҳтарам оталар ва оналар!
Қадрли ака-укалар ва опа-сингиллар!

Ўзбекистон халқлари ҳаётида оғир, аламли ҳодисалардан бири ҳисобланган Фарғона фожиаларининг содир бўлганига шу кунларда бир йил тўлади. Бугун марҳумларнинг яқинларидан яна бир карра кўнгил сўраб, таъзия изҳор этамиз, уларга сабру бардош тилаймиз.

Фарғона фожиаси чуқур иқтисодий ва сиёсий танглик боис, кўпчилик ёшларнинг ишсизлиги ва муҳтожлигидан ўзларининг қора мақсадлари йўлида фойдаланган жиноятчи гуруҳлар қутқуси билан содир бўлди. Улар ҳали ёш, суяги қотмаган ўсмирларни авраdилар, йўлдан урдилар, оқибатда нainки бизнинг миллатга мансуб кишилар, шу билан бирга биз билан тили ва дини, урф-одатлари уйғун бўлган бошқа халқ вакиллари ҳам ҳалок бўлдилар. Жаҳл ақлдан устун келди, алам ва ғазаб тўфони остида юзлаб хонадонларга ўт кетди, одамлар орасига совуқчилик тушди.

Ўша кунларда кўкка ўрлаган фарёдлар барчамизни огоҳликка чақириб, бонг урувчи таҳлика кўнғироғи каби қулоқларимиз остидан кетмайди. Ҳали узоқ вақт бу фожиа юракларимизни ларзага солиб туради.

Ўша машъум кунларда алданиб иштирокчи бўлиб қолган фарзандларимиз ҳам жазога тортилганлар. Улар ҳам халқимизнинг пушти-камаридан бунёд бўлган ўз авлодларимиз. Уларнинг бошига тушган оғир ташвиш барчамизни қийнайди.

Уларнинг ҳаёт-мамоти, тақдири бизни ҳеч вақт бефарқ қолдирмайди.

Ҳозирги даврда бизнинг бутун мурод-мақсадимиз аввалроқ зикр этилмиш иқтисодий ва сиёсий тангликни бартараф этишга қаратилган; токи фуқоро пешонасига офтоб тегсин. Одамлар ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини тугал таниб, тезроқ қад ростласинлар, адолатсизлик ва йўқчиликка қарши курашда бир-бирларига мададкор бўлсинлар.

Бизнинг ниятимиз аниқ ва равшан. Ҳаммамиз ҳам элнинг нони бутун бўлсин, деймиз. Йиллар давомида пайсалга солиб келинган муаммоларимиз ҳали жуда кўп. Уруш қатнашчилари ва серфарзанд оналарнинг аҳволини яхшилаш, деҳқонларга ер-сув бериш, миллий анъаналарни тиклаш, тилимизнинг равнақи, кишиларнинг виждон ва эътиқод эркинликларини сўзда эмас, балки амалда таъминлаш борасида қатор ишлар қилинди. Буларнинг барчаси — жумҳуриятимизнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги йўлида қўйилган дастлабки умидбахш қадамлар. Халқимиз қўлласа ва яқиндан мадад берса, навбатдаги қадамлар янада қутлуғ бўлғай.

Халқимизда «Ойни этак билан ёпиб бўлмас», деган нақл бор. Ўзбекнинг дўстпарварлиги, кенг феъллиги ва тантилиги жаҳон аҳлига азалдан маълумдир. Фикримизнинг исботи учун мозийдан ҳам, бугундан ҳам юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Суриштириб келадиган бўлсак, бундай кўпдан-кўп мисоллар Фарғона водийси чекига ҳам тушади. Гўзаллик, дониш ва адолатни ардоқлаган буюк сиймолар — Бобур, Машраб, Муқимий, Нодирабегим ва ўзга табаррук зотларнинг шу ажойиб эл бешигида тарбия топганини эслаш кифоя. Бу гапларимиз қуруқ мақтов эмас, балки самимий иқрордир. Фарғона аҳли инсоний муомалаларни жойига қўйгувчи, норасида гўдакнинг ҳам иззатини осмон қадар баланд тутиб, уни-да мудом «сиз»лагувчи, ўзи емаса ҳам, ҳалол луқмасини меҳмонга илингувчи саховатли бир элдир. Комил ишонч ва имон билан айтамизки, бундай элнинг қонида маҳдудликка ўрин йўқ. Нобуд бўлган навниҳол фарзандларимизнинг аслида инсонийликни, миллату мазҳабни ўйламаган, насли-насаби ҳам, мафкураси ҳам нотайин манфур кимсалар йўлдан урдилар. Улар ўзларининг қутқуларини кейинчалик Бўка ва Паркентда, яқиндагина эса Андижон шаҳрида ҳам такрорлашга уриниб кўрдилар. Бу кимсалар, албатта, қилмишларига яраша жавобгарликка тортиладилар, адолат, ҳеч шубҳасиз, юзага чиқади. Бундай ҳодисалар халқимизни янада зийрак бўлишга, дўст ва душманни, гуноҳ ва савобни янада аниқроқ фарқлашга ундайди. Бугун бизга собит ирода, ўзаро ҳурмат ва иззат, якдиллик ва ҳамнафаслик ҳар қачонгидан ҳам зарур.

Азиз юртдошларим, жигарбандларим!

Биз бугун Фарғона водийсида фитна қурбони бўлганлар руҳини ёд этмоқдамиз. Уларнинг таъзиядор ота-оналари, қариндош-уруғлари билан бирга қайғу чекмоқдамиз. Биз бу табаррук тупроқ узра тўкилган ҳар бир қатра қон учун жавобгармиз. Ҳар қатра қон — бизнинг кулфатимиз, виждон азобимиздир.

Бугун Фарғона бонг уради! Одамлар, бир-бирингизга биродар бўлингизлар, азиз ва иноқ яшангизлар, деб бонг уради.

Бўйи бўйи билан тенг фарзандидан айрилиб қолган, кўзлари ёшли отанинг юрак нидосида ана шу чақириқ бор!

Биргина лаҳза ичида отасидан айрилиб, етим бўлиб қолган боланинг ҳайрон кўзларида ана шу чақириқ бор!


Фарғона бонг уради! Оналар фарёди бонг уради!

Одамлар! Ҳушёр бўлинглар!

Айрилиқ доғи осонликча кетадиган доғ эмас. Бир йил олдин бошимизга тушган мусибат ҳали кўп йиллар кўнглимизни тиғлаши тайин. Жумҳурият аҳлига ушбу сўзлар билан мурожаат этар эканман, бугунги эслов, миллионлаб юртдошларимизнинг эзгу калималари қайғу чўккан дилларга озгина бўлса-да тасалли бахш этар, деган умидим бор.

Ўша қаро кунлар асло қайтиб келмасин, элимизнинг осойишталиги барқарор бўлсин!

И. А. КАРИМОВ,
Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти



Бу чет элми?
Йўқ, адашяпсиз!
Тошкент вилояти Тошкент ноҳиясидаги «Ленин йўли» жамоа хўжалигининг иссиқхона манзарасини кўриб турибсиз.
Яна кўз-кўз қилишми, дея энсангиз қотиши ҳам тайин.
Бундай ниятимиз йўқ.
Мақсадимиз — хўжалик деҳқонларининг чинакам меҳнатини тилга олиш.
Рақамларга эътибор беринг:
хўжалик ҳар куни пойтахтимиз аҳлига 90 тонна сабзавот маҳсулотлари жўнатиб турибди, улар олаётган ҳар йилги соф фойда эса 600 минг сўмни ташкил этаяпти.
Яхшими?
Албатта-да!

Суратчи: Р. НУРИТДИНОВ. (ЎзТАГ).

Шу сонга хабар

Рэкетчилар қўлга тушишди

САВДО ширкатида ишлайдиган А. исмли кишига рэкетчилар шарт қўйишди:

— Беш минг сўмдан бир тийин ҳам кам бўлмайди. Тушундингизми! Йўқса... Ўйлаб кўринг. Бола-чақангиз бор-а! — деди таҳдидли оҳангда уюшган жиноятчилардан бири.

— Майли, — бир дақиқалик сукунатдан сўнг розилик билдирди ширкатчи, — пулни қаерга олиб боришим керак!

Улар учрашув жойини, вақтини аниқ белгилаб олишди.

Ширкатчининг ичига чироқ ёқса ёримайди. Нима қилишини билмай боши гаранг. Ким билан маслаҳат қилсин! Агар уюшган жиноятчига айтилган вақтда пулни бермаса оқибати вой бўлишини яхши билади. У ўйлай-ўйлай охири милицияга телефон қилди.

— Ҳеч қўрқмай айтилган вақтда айтилган пулни олиб бораверинг, бу ёғидан кўнглингиз хотиржам бўлсин. Сизга ҳеч нарса бўлмайди, — ширкатчига таскин беришди милициядагилар.

Шундай қилиб куппа-кундуз куни соат учларда, ўтган жума куни Сергели ноҳияси ҳудудида 5 минг сўм пул олаётган вақтида уюшган жиноятчиларнинг бир гуруҳи ҳеч қандай шов-шувсиз қўлга олинди.

Худди шу куни яна шу ноҳиянинг бошқа ерида ҳам рэкетчиларнинг иккинчи гуруҳи «тўрга» тушди. Улар Тошкент шаҳар қурилиши бош бошқармасида ишлайдиган З. фамилияли масъул шахсдан 1800 сўм пул беришни талаб қилганлар.

Ҳар икки жиноятчи гуруҳни қўлга туширишда Сергели ноҳияси ички ишлар бўлимининг бошлиғи, милиция майори Райим Каримов бошлиқ оператив гуруҳ ниҳоятда эҳтиёткорлик ва устамонлик билан ишлади.

Айни вақтда ҳар икки жиноий гуруҳ устидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

Институтга имтиҳонсиз қабул қилинади

ТАЛАБАЛАРНИНГ сифат таркибини яхшилаш учун нима қилиш керак?

Бу савол Тошкент вилояти педагогика институти жамоасини анчадан буён қийнаб келарди. Ниҳоят анча тортишувлардан сўнг жамоа бир фикрга келди:

— Ўрта мактабни олтин, кумуш медаллар билан тугатган ўқувчилар институтга суҳбат орқали қабул қилинсин.

Жамоа ўз фикрини, ташаббусини Халқ таълими вазирлигига етказишди. У ердагилар бу таклиф-ташаббусни ўрганиб чиқиб, розилик билдиришди.

Шундай қилиб, жумҳуриятимизнинг барча вилоятларидаги педагогика институтлари 1990 йилнинг янги ўқув йилидан бошлаб ўрта мактабларни медаллар билан, шунингдек, ҳунар-техника билим юртини имтиёзли гувоҳнома билан туғаллаган йигит-қизларни айрим мутахассисликлар бўйича имтиҳонсиз суҳбат орқали қабул қиладилар. Бутуниттифоқ ҳамда жумҳурият олимпиадаларида маълум фанлар бўйича биринчи ўринни олган ўқувчилар ҳам бу имтиёздан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Яна бир янгилик. Институтнинг филология факультетида янги ўқув йилидан бошлаб талабаларга араб алифбосидан машғулотлар ўтила бошлайди, — дейди институт ректори Н. Иброҳимов.

Муаммолар ҳам йўқ эмас. Тошкент вилояти мактабларида химия, жисмоний тарбия ва мактабгача тарбия мутахассисликлари бўйича ишловчилар бир мунча тақчил. Шундай бўлишига қарамай Халқ таълими вазирлиги ана шу соҳалар бўйича қўшимча факультетлар очишга рухсат бермаётир.

«Шу сонга хабар» материалларини махсус мухбиримиз Зиёвуддин ОРТИҚХЎЖАЕВ тайёрлаган.

Шу сонга хабар

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашида

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши «Ўзбекистон ССР аҳолисига озиқ-овқат ва саноат моллари сотишни барқарорлаштиришга доир муваққат чоралар тўғрисида» қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши жумҳурият истеъмол бозорини барқарор қилиш мақсадида:

1990 йил 30 майдан бошлаб жумҳурият ҳудудида яшовчи аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат молларини паспорт, хизмат гувоҳномаси, талаба билети, пенсия гувоҳномаси ҳамда шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларга қараб сотиш муваққат тартибини жорий этишга қарор қилди.

Қорақалпоғистон АССР Вазирлар Кенгаши вилоят ижроия қўмиталари, Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси маҳаллий шароитлардан ва ажратилган фондлардан келиб чиқиб, жумҳуриятда яшовчи ҳар бир фуқарога айрим озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат молларини сотиш тартиби ва нормасини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногиронларига ҳамда уларга тенглаштирилган шахсларга молларни сотишнинг олдин белгиланган тартиби сақлаб қолинсин.

Жумҳуриятга вақтинча (командировка, ҳарбий хизмат, туристик сафар, меҳнат шартномасига доир иш ва бошқа сабаблар билан) келган фуқароларга кундалик эҳтиёж моллари халқ депутатлари маҳаллий Шўроси тегишли ижроия қўмитаси томонидан белгилаб қўйилган алоҳида рўйхат ва нормага мувофиқ сотилади.

Халқ анъаналари ва удумлари (тўйлар, дафн маросимлари, марҳумлар ҳурмати учун ўтказиладиган маросимлар ва бошқалар) билан боғлиқ тадбирларни ўтказиш чоғида аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари ва моллар сотиш нормаси кўзда тутилсин.

Харидоргир ашёвий молларни сотиш халқ депутатлари маҳаллий Шўролари ижроия қўмиталарининг қарорига мувофиқ амалга оширилсин.

Молларни сотишнинг муваққат тартиби жорий этилиши муносабати билан Қорақалпоғистон АССР Вазирлар Кенгаши вилоят ижроия қўмиталари ва Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси вужудга келадиган барча масалаларни кўриб чиқсинлар ва ҳал этсинлар, шунингдек моллар белгиланган нормага мувофиқ сотилишини назорат қилиб туришни таъминласинлар.

Ўзбекистон ССР Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув, Ўзбекистон ССР Давлат моддий-техника таъминоти Қўмитаси, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик давлат-ширкат қўмитаси, Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари вазирлиги, Ўзбекистон Бинокорлик материаллари саноати вазирлиги, Ўзбекистон ССР Қурилиш вазирлиги, Ўзбекистон ССР Давлат нефть маҳсулотлари билан таъминлаш қўмитаси, Қорақалпоғистон АССР Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия қўмиталари, Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси савдо узлуксиз бўлишини таъминлаш учун режага қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобидан, шунингдек товар айирбош қилиш йўли билан олинган ресурслардан молларнинг заҳираларини вужудга келтириш учун зарур чораларни кўрсинлар.

Савдо ташкилотларига ана шу мақсадда норматив товар запасларини кўпайтиришга рухсат этилсин. СССР давлат банки, Ўзбекистон жумҳурият банки, ихтисослаштирилган банклар йилига 2 фоиз фойда олиб, нормадан ортиқча моллар запасларига кредит беришни таъминласинлар.

Ўзбекбирлашувга «Центросоюз» йўли билан товар айирбошлаш операциялари орқали олинган радиотелеаппаратлар ва бошқа чет эл молларини Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг розилиги билан озиқ-овқат маҳсулотларига ва бинокорлик материалларига алмаштириш учун мамлакатнинг бошқа регионларига юбориш тавсия этилсин. Жумҳурият учун ажратиладиган чет эл радиотехникасини 1991 йилдан бошлаб тегишли миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари, тикув ва тўқув машиналари, болалар учун чиқарилган товарларга алмаштириш имкониятлари «Центросоюз» билан биргаликда кўриб чиқилсин.

Ўзбекистон ССР Халқ назорати қўмитаси, Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон касаба уюшмалари жумҳурият Кенгаши билан биргаликда истеъмол бозорини барқарорлаштириш юзасидан амалга ошириладиган тадбирлар муносабати билан жумҳурият аҳолисига молларни сотиш тартибига риоя қилиниши устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар, қоидани бузган шахсларга нисбатан қатъий жазо чораларини кўрсинлар.

СССР Президентининг Канадага ташрифи бошланди

ОТТАВА, 29 май. (ТАСС махсус мухбирлари). СССР Президенти М. С. Горбачев Канада ҳукуматининг таклифига биноан бу ерга икки кунлик давлат ташрифи билан келди. Оттава яқинидаги Апленд авиабазасида Совет Иттифоқидан келган олий меҳмонни Канада генерал-губернатори Рамон Хнатишин, бош вазир Брайан Малруни, ҳукумат аъзолари, жамоатчиликнинг кўплаб вакиллари кутиб олдилар.

СССР Президентининг келиши шарафига СССР Давлат мадҳияси ижро этилди, тўплардан 21 марта мушак отилди. Совет раҳбари тайёрагоҳнинг учиш майдонида фахрий қоровул сафини айланиб ўтди. Канаданинг давлат мадҳияси ижро этилганидан сўнг М. С. Горбачев билан Р. М. Горбачева фахрий меҳмонларнинг Олтин китобига имзо чекдилар.

Сўнгра Канада генерал-губернатори Р. Хнатишин билан М. С. Горбачев нутқ сўзладилар.

Тантанали учрашув маросими тугаганидан сўнг автомашиналар кортежи СССР Президенти учун ажратилган «Ридоу-Холл» қароргоҳи томон йўл олди.

«АФСОНА» ОРТИДАГИ ҲАҚИҚАТ

«ТРУД» РЎЗНОМАСИДА ЧИҚҚАН МАҚОЛА ХУСУСИДА

ДОНОЛАРНИНГ ҳар бири ўсиб келаётган ёш авлодга меҳнат тўғрисидаги ўз тушунчасини, баҳосини қолдирган. Қадимданоқ инсон меҳнат ва ҳаёт ўртасидаги ўзаро боғлиқликни англаб етган, Библияда ҳам «Бир бурда нонингни пешона терing билан топиб ейсан» дейилган. Муқаддас китобда жумланинг аниқ шундай ёзилганига кафолат беролмасакда мазмуни худди шундай эканлиги аниқ... «Тоққа чиқмасанг дўлана қайда...» деганларидек, меҳнат «кишини безайди, уни эркин қилади». Ёхуд «меҳнат маймунни одамга айлантирган», унинг номи эса «мағрур жаранглайди». Кейинроқ эса «иш» деган, ундан эса «ишчи», «хизматчи» деган сўзлар дунёга келди, улар ҳам мағрур жаранглайди. Тўғри, бу ҳол токи «иш — ҳаёт» деган узвий тушунчагача, яъни иш ўзимизни ва оиламизни барча керакли ва зарур нарсалар билан таъминлаш имконини бериб тургунга қадар давом этади. Табиийки, бунда сиз ўз вазифангизни сидқидилдан бажарасиз, бор кучингиз ва маҳоратингизни ишга соласиз.

Акс ҳолда...

Акс ҳолда нима билан тугашини айтишга ҳам қийналамиз. Афтидан фақат биздагина қуйидагига ўхшаш машҳур латифалар пайдо бўлиши мумкин: собиқ раҳбарларимиздан бири хорижлик «катта» меҳмон олдида кўчада тиланчилик қилиб турган кишига қараб: «Ишлаш керак!» деганда, у жавобан журъатсизлик билан дебди: «Ахир мен ишлайвериб шу аҳволга тушдимку...» деган экан.

Дадил айтишимиз мумкин: ўзбек қишлоқларида садақа сўраб қўл узатганларни деярли учратмайсиз. Оддий одамлар бир бурда нонларини эрта тонгдан то қора кечгача кетмон чопиб топадилар. Негаки, турғунлик даври бўладими ёхуд порахўрлик, таназзул, қарорбозлик, рухсатбозлик ва тақиқбозлик даври бўладими барибир яшаш керакда. Қарни узиш — болаларини вояга етказиш, чол-кампирни боқиш керак.

Шунинг учун ҳам «Труд»нинг махсус мухбири О. Осиповнинг Ўзбекистонда ишсизларни қидириб, қанчалик қийналганини ва бу уринишлари деярли бесамар қолганини тушуниш қийин эмас. Ўзининг елиб-югуришлари, бу борадаги кузатувлари ва фикрлари билан рўзноманинг икки (12—13 май) сонида «Ишсизлик: афсона ва ҳақиқат. Ўзбекистонда ҳамма учун иш борми?» сарлавҳали каттагина мақоласида ўртоқлашади.

Нима ҳам дердик, ҳамкасбимизга юз фоиз ишсизни топиш насиб этмабди. Бироқ, «...Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ ноҳиясидаги «Ленин йўли» жамоа хўжалигида катта қийинчилик билан бўлсада менга ишсизни «топишганидан» хурсанд бўлишди». Муаллифнинг кўпроқ Наманганда омади келибди, у ерда «иш берилмаган» тракторчи топилибди. Шу билан тамом! Хўш СССР халқ депутатлари II съездининг минбаридан айтилган «бутун бир миллион одам» қани? Ҳой ишсизлар, қашшоқлар, таланганлар жавоб беринг, қаердасиз? Хулоса — индашмаяптими, демак, ишсизлик деган нарса умуман бўлмаган.

Тўғри, О. Осипов ўша «Ленин йўли» жамоа хўжалигида ишсиз билан суҳбатлашиши мумкин эди. Бироқ «Маълум бўлишича Дилфуза уйида йўқ экан. Аниқлаб ўтирмадим: иш қидиряптими ёки бозорда кўкат сотяптими». Гўё ҳаммаси олдиндан маълум: бозорда, ўзбекнинг қизи ёки ўғли савдо растасида бўлмай қаерда бўларди. Уларга нон берма, савдо қилишга рухсат берсанг бўлгани, бу уларнинг қон-қонига сингиб кетган. Бунга шубҳа туғилмаслиги учун, мухбир болалар ва қизлар ҳақида «ғамхўрлик» қилиб уларни «бозорда соатлаб туришдан» озод этишни таклиф қилади. Ваҳоланки, бозор — иккиламчи, меҳнат — бирламчи эканлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Ахир бозорга чиқиш учун аввал жамоа хўжалиги даласида, сўнг ўз томорқангда қолдан тойгунингча ишлашинг керакку!

Қайта қуришнинг биринчи куниданоқ бизни янгича фикрлашга, қолиплардан воз кечишга чақиришади. Афсуски, бу жуда қийин кўчмоқда, айниқса, маълум воқеа ва ҳодисаларга нисбатан. Бунда мафкуравий амалдорлар бошқараётган оммавий ахборот воситаларининг ҳам ҳиссаси катта. Шу боис бўлса керак, бизнинг тасаввуримизча ишсиз дегани бу ҳеч нарса, ҳеч қандай иш қилмайдиган одам. Ўтириб ёки ётиб дарди-дунёси қоронғи бўлиб ўйлайди: яшасинми, яшамасинми? Яшашни истаса қандай қилиб яшаш мумкин? бутуниттифоқ касабачилар уюшмаси марказий кенгаши матбуот органининг мухбири қанчалик тиришмасин ўтирган ёки ётганларни топа олмади. Бунақаси фақат уларда, у ёқда, капитал ҳукмронлик қилаётган жойда бўлади — тўдатўда одамлар бахтиёр совет кишилари — сайёҳлар орқасидан ҳавас ва илтижо билан қараб қолишади.

Журналист шундай савол билан мурожаат қилади: «Кўп болали аёлни ишсиз деб бўладими? Мавсумий ишчиничи? Эрта тонгдан қора кечгача ўз шахсий томорқасида кетмон чопаётган одамничи?» Ва ўзи нафрат билан хулоса чиқаради: «Ваҳоланки, улар ўша миллион (бошқа маълумотларга кўра 800 минг) қаторидалар».

(Давоми 2-бетда).

«АФСОНА» ОРТИДАГИ ҲАҚИҚАТ

(Боши 1-бетда).

Ҳамма гап масалага қандай ёндашишда. Ғарбни азалий касали билан қўшиб ноўрин сўкиш билан бир қаторда биз унинг хатти-ҳаракатида статистик маълумотларни ишлатишда устамонлик борлигини пайқагандик: вақтинчалик иш топган ёки ярим кун ишда бўлган киши ишсиз ҳисобланмасди. Бу эса бизнинг фикримизча «яширин ишсизлик», яъни «жамоатчилик фикрини чалғитиш», «воқеликни бўяб кўрсатиш» эди. Балки шунинг ўзи муаллифнинг шахсий томорқасида кетмон чопаётган кишини ўзбекистонлик миллион ишсизнинг сафига қўшиш керакми ёки йўқ деган саволига жавоб бўлар. Ёки пахтазор ва оила ўртасида бўзчининг мокисидек зир югуриб куну-тун қандай овқат қилиш ва болаларига нима кийдиришни билолмай гаранг бўлган кўпболали онани қўшиш керакмикин?

Узоқ йиллар давомида Ўзбекистонда яшаган, ўқиган ва ишлаган Олег Осиповга яширин, истасангиз қисман ишсизлик даражаси амалда ўша қайта-қайта тилга олинаётган миллиондан анча кўплиги, яхши маълум бўлиши керак эди. Шунингдек, у бизда турмуш даражаси қай аҳволдалигини ҳам яхши биларди.

Фарғона водийсидаги ўртача пахтачилик хўжалиги бригадасида 75—80 киши бўлади. Бир кишига (булар асосан аёллар) кўпи билан бир, камдан кам ҳолларда бир ярим гектар пахтазор тўғри келади. Экиш, чеканка, сув қуйиш, териш — ҳаммаси уларнинг зиммасида. Дўзахнинг ўзгинаси. Ўз-ўзидан савол туғилади: шунча одамнинг нима кераги бор, механизациядан унумли фойдаланган яхши эмасми? Афсуски, йўқ. Биринчидан, «зангори кема»лар аксарият ҳолларда, оператор ўнтасидан бештасини амаллаб далага олиб чиққанида кинохроника учун яхшидир, иккинчидан механизация яхши бўлди ҳам дейлик, хўш бўш қолган одамлар нима билан шуғулланишади? Одамларга энг камининг камини олишларига имконият яратиш учун яна қанақа йўл топиш мумкин? Ахир ўтган йилга қадар жамоа ва давлат хўжаликлари терилган бир килограмм пахта учун уч тийиндан ҳақ тўлашарди!

Ўйлаб кўринг, тасаввур қилинг: энг яхши теримчи тандирдек қизиган далада, қуёшнинг ўтли тиғи остида, ундан қочиб қутилишнинг иложи йўқ, кун бўйи икки букилиб 150 килограмм пахта териши мумкин. Биримиз бунинг нима эканлигини ўз танамизда синаб кўргандик. Тушгача аранг чидадик. Натижа эса қуйидагича: хирмонга 13 килограмм пахта топширилди, бош тарс ёрилгудек оғрийди, белни эса умуман кўтариб бўлмайди. Энди ўша чевар теримчининг маошини ҳисоблаб кўринг ва албатта ундан даромад солиғидан тортиб токи хушёрлик ва китобсеварлар жамиятигача — ҳаммасига тўланадиган бадални чиқариб ташлашни унутманг.

Ҳа, бандлиги бўйича уларни ишсизлар қаторига сира қўшиб бўлмайди, бироқ, иш ҳақи бўйича уларни, буни айтишдан чўчимаймиз, фақат «жамият чиқиндилари» деб аташ мумкин, холос. Яна шуниси ажабланарлики, шу жамиятнинг ўзи тағин пахтакорни олқишлашдан чарчамайди. Терилган пахта, тўлдирилган этак остида пахтакор том маъно мажақланай дейди-ю, тағин унга чақириқлар билан мурожаат қилинади. «Зарбдор меҳнат суръатини оширинг!», «Ҳосилни охирги чаноғигача (ваҳоланки, соғлом фикр юритадиган бўлсангиз бу охиргиси кимга ҳам керак — сон учунми ёки орденнинг салмоғини белгилаш учунми?) териб оламиз!». Ахир бу инсон фожиаси устидан кулиш, уни таҳқирлаш эмасми?!

Руҳимизни тетик қилиш учун эса болалигимиздан қулоғимизга қуйишди: «Пахта — бизнинг миллий бойлигимиз», «Меҳнатимиз — сенга, Ватан». Ватанга бўлгани яхши албатта, бироқ ўзингга ҳам керакку ахир. Ватанга фойдаси бўлса майли эди-я, аммо «миллий бойлигимиз» эвазига келган асъор кимга бўлса, қаёққа бўлса кетибди-ю, лекин эгасини топмабди. Чет элдан миллиардлаб асъорга харид қилинган ва вазирликлар, маҳкамалар ҳовлисида ўнлаб йиллар давомида занглаб ётган ўша жиҳозлар, техника, линия ва бутун-бутун заводлар фақат нефть, ёғоч, мўйна ҳисобига келганмикин? У ерда пахтадан келган долларлар, фунт, марка, франклар ҳам оз эмас.

Иқтисодиёту, кўзбўямачиликнинг алоҳида-алоҳида қонунлари бор. Ўзбекистон касаба уюшмалари кенгаши ҳар йили терим мавсуми арафасида (ахир БКУМК олдида ҳисоб бериш керакда) энг яхши дала шийпони учун кўрик эълон қилиши бежиз эмас. Кейин дабдаба билан ғолибларни маълум қилишади. Томошани ким яхши уюштирса ўша тақдирланади. Гиламлар тўшалган хоналарда теримчиларга, уларнинг фарзандларига (афтидан ўсиб келаётган авлод ариқлар атрофини обод қилса фойдали бўлса керак) жой бўлмаслиги билан эса ҳеч кимнинг иши йўқ. Муҳими кўрик ўтказиш ва шу йўл билан одамлар тўғрисида ғамхўрлик қилинаётганлигини, «инсон омили»нинг устунлигини намойиш этиш. Буни энди биз шунчаки, гап келгани учун айтдик-да...

Шундай қилиб қизлар учун этак, ё «зангори кема» ўриндиғи тайёрлаб қўйилган... Хўш, йигитлар учунчи? Меҳнат қилиш ҳуқуқига Конституцион кафолат! Аксарият ҳолларда бундан бошқа нарса йўқ. Биттагина йўли бор — қишлоқдан кетиш керак. Бунинг учун эса ёшларни кўчманчилик кайфиятида тарбиялаш лозим бўлади. Акс ҳолда муаллифнинг РСФСР, Белоруссия аҳолисидан фарқли ўлароқ ўзбекистонлик ҳар минг кишидан борйўғи 9 нафари кўчади, холос, деб нолишини қандай тушунмоқ керак? Агар йигит кетишни истамаса нима қилиш керак? Ҳоҳламайди, тамом вассалом! Ҳай, майли, муаллифнинг «қашшоқликда яшовчи ёшлар билан кўп марта суҳбатлашишига тўғри келди, уларнинг аксарияти дуч келган симёғочда «Керак» деб ёзилган эълонли шаҳарга келишни исташаркан», деб ёзган сўзларига ишондик ҳам дейлик. Бироқ келишолмас экан. Нега десангиз маҳаллий ҳокимлар ўзларига «ортиқча юкни» олмаслик учун қонуний ва ноқонуний чеклашлар... прописка режимини уларнинг йўлига тўғон сингари жорий этишган».

Қаранг, муаммони осонгина ҳал қилса бўларкан-а, «тўғонни» олиб ташланг ва...

Биз бечоралар эса соддалик қилиб прописка режими у ёқда, марказда ўйлаб топилган, ўша ерда мустаҳкам ўринга эга деб юрибмиз. Бу кашфиёт ўзбекистонлик амалдорларники эканлиги хаёлимизга ҳам келмабди-я! Ҳатто «турли-туман чеклашлар борасида Тошкент ҳаммадан ҳам ўзиб кетгани ҳам... «Бегона»ни ишга таклиф қилган корхоналар шаҳар ижроқўмига 16 минг 162 сўм тўлашлари шарт... Ҳақиқатан ақл бовар қилмас қоидалар, бунақаси ҳатто келгиндилардан қаттиқ муҳофаза қилинадиган Москвада ҳам йўқ!»

Бу ўринда ҳар бир сўз олифтагарчиликдан бошқа нарса эмас. Жумҳурият пойтахти ҳаддан зиёд зўриқиб яшаётганини ҳар қадамда ҳар ким сезиши мумкин: икки миллиондан зиёд аҳолиси бўлган шаҳарда дўконлар, мактаблар, касалхоналар, болалар яслилари ва боғчалари етишмайди, нақлиёт тармоғи ривожланмаган... Қисқаси, инфраструктура талаблардан жуда орқада қолган. Шундай шароитда шаҳар дарвозаларини очиш (дарвоқе худди шундай манзарани бошқа йирик шаҳарларда, жумладан, вилоят марказларида ҳам кўриш мумкин) шаҳарни, унинг аҳолисини қўшимча қийинчиликларга дучор қилиш, ўзни муаммолар гирдобига ташлаш эмасми?

Шаҳар ҳокимлари «бегона» учун ҳақ олиш билан корхоналар раҳбарларини ўз ишчилари учун етарли шароит яратиб беришга мажбур қилишмоқда. Ахир пойтахтда қолишни истаганлар ҳар қандай, энг «қора» ишга ҳам рози бўлишлари, ҳар қандай таклифни ҳам ҳеч қандай шартсиз қабул қилишлари маълум-ку.

Бундан ташқари «шаҳар ижроқўмига тўлаши шарт» дегани нимаси? Балки инфраструктурани маблағ билан таъминлайдиган шаҳар хазинасига дейиш тўғрироқ бўлар?

Афтидан ишонарли бўлсин деб (соддадил муштарий катта «таассурот» оладида) муаллиф бўш ўринлар сонини келтиради. Тошкентда шу йилнинг биринчи февралигача 8650 ўрин бўш бўлган экан.

Шу муносабат билан ривожланган саноатга эга бўлган шаҳар заҳирадаги ишчи ўринларисиз яшай оладими, деган савол пайдо бўлиши керак эди. Жавоб битта бўлади: йўқ! Завод ва фабрикалар эшиги олдига эрта-индин мактаб, билим юртлари, техникумлар, институтларни битирадиган минглаб, ўн минглаб ёшлар келишади. Шунча одам учун 8-10 минг ўрин нима бўлади? Уларнинг ҳаммаси ҳам ўқишга кирмаслиги ёки ҳарбий хизматга кетмаслигини ҳисобга оладиган бўлсак қолганлари нима қилиши керак? Яна муаллиф «Айни пайтда расмий маълумотларга қараганда шаҳарда ишсизлар бор» дея ҳайрон бўлишининг сабаби нимада?

Сабаби — мақсад нима қилиб бўлсада танқид қилиш, қоралаш эканлигидир. Ўзича муаммони очиб, уни ҳал этиш йўлини кўрсатмоқчи бўлади. Инсоният эса юз йиллирки, ишсизлик каби ижтимоий иллатга қарши самарали, доимий чора тополмай боши гаранг.

Асосий эътиборни, маслаҳат беради муаллиф, кенг истеъмол молларини ишлаб чиқаришга қаратиш керак. Нима ҳам дердик. Фикр тўғри, аммо кооперация деган нарса бўлмаган бизнинг иқтисодий муносабатларимизда буни қандай амалга ошириш мумкин?

Навоийдаги таъмирлаш механика заводида «Уралмаш»да чиқариладиган машҳур «Малютка»га ўхшаган кир ювиш машинаси ишлаб чиқариб халқни хурсанд қилишмоқчийди. Ўзлари штамп тайёрлашди, пластмасса, ярим автомат линия топишди, қисқаси йилига 40 минг кир ювиш машинаси тайёрлайдиган қувват яратишди. Ўшандан бери орадан уч йил ўтди. Қани машина? Ҳанузгача йўқ. Негаки навоийликлар, двигатель, вақт релесини топишолмаяпти. Горькийлик машинасозлардан двигатель олиш мумкин деб эшитишганди. Улар эса навоийлик вакилга: «Двигателми? Марҳамат, фақат ўрнига фалон вагон ёғоч берасизлар...» дейишди. Йўқ бу латифа эмас — бизнинг воқелигимиз. Уралликлар эса реле учун помидор, узум талаб қилишди. «Тўғридан тўғри» алоқаларимиз ана шунақа. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун ҳеч бўлмаганда хом ашё, материал зарур. Айнан шу нарсалар йўқ. Танқчиллик ҳокимиятининг бошида эса Госснаб турибди. Унинг турли вазирлик ва маҳкамалардан иборат ёрдамчилари бор. Улар тўғри ва қинғир йўллар билан корхоналар зиммасига юз фоиз давлат буюртмасини юклайдилар. Жумҳуриятимизда режа бўйичагина эмас, шунингдек, режадан ташқари ишлаб чиқарилган цемент, рангли ва қора металлар, тола, полиз маҳсулотлари, ҳўл мевалар, бензин, ёғ, ҳаммасини санаб бўлмайди, бир меъёрда олиб чиқиб кетилмоқда. Фақат шуларнинг ўзи бўлса ҳам майли эди.

Наҳотки журналист Тошкент шаҳар ижроқўми фаровонликдан, уларни пойтахтга келтирмаслик учунгина «бегоналар» учун ҳақ олаяпти деб жиддий ўйласа? Бюджетнинг қашшоқлиги эзмоқда. Вазирликлар «ўз» корхоналари кўрган фойданинг катта қисмини тортиб олишмоқда, улар эса маблағдан маҳрум бўлишгач ишчи ва хизматчиларнинг яшаш ва ишлаш шароитларини яхшилаш ҳаракатномасини амалга оширолмаяптилар.

Мисол учун, Тошкент тўқимачилик комбинатини олиб кўрайлик. Жумҳуриятдаги шу сингари корхоналар ичида энг бақуввати. Ҳар куни, ҳар сонияда ишчи қўллари етишмаслигидан қийналмоқда. Бироқ, ҳатто «қилар ишини билмаган» шаҳарликлар ҳам ундан узоқроқ юришга интилишади — меҳнат шароити шу қадар оғирки, дод деб қичқиргинг келади. Қичқиришяпти ҳам, аммо фойдаси йўқ. Негаки, ўнлаб йиллар давомида жумҳурият ва иттифоқ миқёсидаги енгил саноат вазирликлари қонуний(!) асосда унинг чўнтагига тушиб меҳнат жамоасини қашшоқликка маҳкум этишган. Таъмирлаш, қайта жиҳозлаш ва шунга ўхшаган тадбирлар мунтазам режалаштирилади, бироқ уни амалга оширишга келганда доимо маблағ етишмайди.

Дарвоқе, комбинат шу кунда ҳам «Труд» мухбири қачонлардир суҳбатлашган қишлоқликлар ҳисобига «яшаяпти». Ишончимиз комилки, муаллиф буни билганида очиқ эшик қолиб бошини тешикка суқмаган, жумҳурият раҳбариятини фикрламасликда, яна ҳам ёмони одамлар эҳтиёжи томон юз бурмасликда айбламаган бўларди. Рўзномада ёзилишича, «қаердаки исташмаса ёки эплай олишмаса, ўша ерда одамлар учун зарур нарсалар ишлаб чиқаришга қодир бўлган бўш қўлларни банд қилишмайди». Шундай: ё униси, ё буниси. Учинчи йўл бўлиши мумкин эмас. Буни қарангки, жумҳуриятда айнан мана шуни исташармиш. Ким дейсизми? Албатта баланд курсиларидан ажралиб қолишдан чўчийдиган, марказ берадиган маблағдан гоҳ қамчи, гоҳ ҳолва сифатида фойдаланадиган «аппаратчилар»да.

Ўнлаб йиллар давомида йиғилган муаммолар сабабини, илдизини топиш, таҳлил қилиш шарт эмас, мақола муаллифининг фикрича айбдорлар топилиб, йўқотилса муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлар эмиш. Ўша заҳоти ташқи савдода яккаҳокимлик қилаётган мамлакат ҳукумати ҳам эс-ҳушини йиғиб оларкан (журналист ўз мақоласида шундай деб таъкидлайди), Москвадаги вазирликлар эса бепоён мамлакатимиздаги шаҳар ва қишлоқларни йўриқномалар ҳамда кўрсатмалар билан кўмишни бас қилармиш, СССР Олий Шўроси эса ниҳоят айрим депутатларнинг овозини эшитиб паспорт-прописка режими соқчиларининг танобини тортиб қўярмиш. Хуллас, жуда кўп ишларни амалга ошириш мумкин, фақат бунинг учун аввал ўзбекистонлик аппаратчилардан қутилиш керак. «Труд» мухбири истайдими, йўқми аммо беихтиёр ана шундай хулоса келиб чиқади.

Кишида шундай тасаввур пайдо бўлади: гўё бутун мамлакат бу муаммоларни ҳал қилган-у, фақат Ўзбекистонгина ижтимоий тараққиётдан орқада қолмоқда ва чириб, тамом бўлган иқтисодий ҳамда ижтимоий-сиёсий муносабатлар системасини қайта қуриш ўрнига садақа сўраб қўл узатаётганмиш. Тўғридан тўғри шундай деб ёзади: «Бир нарсага аниқлик киритиш қолди: ҳақиқий ижтимоий-иқтисодий вазиятни афсоналар билан алмаштириш нима учун ва кимга керак бўлиб қолди? Нима учун эканлиги умуман олганда тушунарли — хўжалик механизмини тубдан қайта қураман деб бош қотириб ўтирмасдан марказдан иложи борича кўпроқ пул «юлиб» олиш.

Бизни марказ муттасил 1,5-2 миллиард қарз бериб жумҳуриятни боқмоқда, деб ишонтиришга ҳаракат қилишади. Аммо негадир «у ёқда» ўтирганлардан ҳеч ким шу пайтгача очиқ ва ҳалол давлат ҳеч бўлмаса толамиздан қанча даромад кўраётганини, ёҳуд жумҳуриятимиз иттифоқ бозорига тайёр маҳсулот эмас, хом ашё чиқариш туфайли қанча зарар кўраётганини айтгани йўқ. Қарийб 1,5 ой муқаддам марказий ойнаи жаҳон орқали бир суҳбат кўрсатилди. Ўзбекистонлик пахтакорлар толани озгина бўлсин қимматроққа сотмоқчи бўлганликлари учун ивановолик тўқимачилар уларни нималарда айблашмади дейсиз.

Ш. Рашидов юксак минбардан туриб Ўзбекистон ўз-ўзини сут, гўшт, дон билан таъминлайди, деганда унга қарсак чалишганди, олқишлашганди, орден ва медалларга кўмиб ташлашганди. Энди эса орадан маълум вақт ўтгач, хўжасизлик туфайли талон-торож қилинган, пахта (миллий фахр?!) яккаҳокимлиги туфайли эзилган ва заҳарланган жумҳуриятга ёрдам сўралса, бу «узиб» олиш, яъни юлиб олиш ва ундан номенклатура курсиларини ишончли бўлиши учун қамчи ва ҳолва сифатида фойдаланмоқчилар деб талқин қилинмоқда. Қани энди ҳаммаси шу қадар осон ва соддагина бўлса! Агарда жумҳуриятга орден ва медаллар ёмғири ёғиш ва «ғолиблар» байроқларининг паради ўрнига у иқтисодий тараққиётнинг азалий қонунлари билан яшаганида қарз ҳам, афсонавий эмас, балки реал, миллион ишсизга ва қашшоқликда кун кўраётган тўққиз миллион кишини ижтимоий ҳимоя қилиш учун ёрдам бериш тўғрисида илтимос ҳам бўлмасди.

«Волюнтаризм», «порахўрлик», «телефон ҳуқуқи», «тазирини бериш», «кўрсатиб қўйиш» ва баъзан қўшқўллаб қуллик қилиш барча қардош жумҳуриятлар қатори Ўзбекистон учун ҳам у қадар мавҳум тушунча эмас. Улар у ёки бу ҳолда ҳамма ерда кўринганди, энди эса қайта қуришга халақит бермоқда. Урал ва Сибирдан, Ўрта Осиё ва Волгабўйи, Украина, Белоруссия, Кавказдан сайланган депутатлар ҳам бирдек ташвиш чекишмоқда. Демак, кўз ўнгимизда ғаройиб воқеалар содир бўлаётган бир пайтда буни маҳаллий аппаратчилар иши деб бўлмас экан. Ҳар ҳолда Ставрополда, Украина, Ўзбекистон ва Воронежда ширкатчиликнинг айрим турларини тақиқлаш тўғрисидаги қарорларнинг бир вақтда дунёга келганини қандай изоҳлаш мумкин. Мамлакатнинг турли минтақаларидаги бир хил ҳаракатнинг бу қадар ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлиги Москванинг бошқаруви туфайли эмасмикин?

Биз маҳаллий бюрократияни ҳимоя қилиш фикридан йироқмиз — зеро у мамлакатимизнинг турли бурчакларида ҳозирча ҳокимиятни ўз қўлида ушлаб турган бюрократлардан мутлақо фарқ қилмайди. Бизнинг бюрократиямиз ҳар хил бошболдоқликларда, «аппарат» ўйинларида бошқаларникидан — кўп бўлса кўп, аммо кам эмас, буни ким аниқлаши мумкин, тажриба тўплаган. Ҳеч бўлмаса ўша ижара пудратини олиб кўрайлик. Бу усулда ишламоқчи бўлганларни нақд гирибонидан олишмоқда, бир қарашда яхши ният билан ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум қилишяпти, ерни кам ҳосил ерлардан ажратишади, сувни энг охирида беришади.

Лекин ҳозир гап бошқа ёқда: жумҳурият ҳукуматини, Ўзбекистон партия ташкилотини билимсиз ва ноқобил қилиб кўрсатишмоқчи, жуда узоқни кўзлаган ғайрли мақсад билан уларни ёлғон маълумот беришда айблашмоқда. Мақсад нима? Мақолада муаллиф бошқа одамнинг тилидан бўлсада бу саволга аниқ жавоб берган. Ўзганинг фикрини асосий «омил» сифатида қабул қилибдими демак, унга тўла-тўкис қўшилади. Келинг, диққат билан ўқиб кўрайлик: «Ҳозир жумҳуриятда қудратли қайта ишлаш саноатини яратиш йўли танланган. Энг оддий ҳисоб-китобларга қараганда ҳозирги кунда бўш бўлган барча меҳнат ресурсларидан ташқари яна олти миллион кишини ишга жалб қилишга тўғри келади. Буни яхши билишади, бироқ миллатлараро низолардан фойдаланиб қолишни истаганлар бу ҳақда лом-мим демаяптилар...»

Бу нима — ўзини кўрсатишга интилишми ёки бошқалар кўз ўнгида душман образини яратишга уринишми? Мақолада «факт»лардан бошдан-оёқ шундай фойдаланилганки уни ўқиган муштарий «аппарат»нинг фаолиятсизлигига ишониши керак ва томдан тараша тушгандек «йўл танланган-у», «аммо миллатлараро низолардан фойдаланиб қолишни истаганлар бу ҳақда лом-мим демаяптилар...» Қандай қилиб бир вақтнинг ўзида танланган йўлни амалга ошириш ва айни пайтда миллатлараро низолардан фойдаланиш мумкин?

Бундай бемаъни ва ғаразли мақсадни осонгина оқлаб бўлмайди. Бу Фарғона, Бўка, Паркентда қон тўкилишига айбдор бўлганларга ва «бир ликопча қулупнай» ортига яширинганларга йўл кўрсатиш эмасми: гўё мана иллатнинг илдизи қаерда, мана нима учун ишсизликни ижтимоий ҳимоя қилиш учун ёрдам сўраш керак бўлиб қолди, демоқчими?

Ёҳуд бу штабларга ўт очишми?.. Нима ҳам дердик, бу усул кўп синовдан ўтган: душманни кўрсатгин-у, шахсан ўзинг учун хотиржам бўлавер. Ҳуқуқшунослар тили билан айтганда ҳам ,оддий инсон тили билан айтилганда ҳам, бу — иғвогарликдан бошқа нарса эмас. Фақат бу ноҳалол вазифани катта ҳурматга эга бўлган рўзнома бажараётганига ачинади киши. Афсус, минг бор афсус...

Исмат ХУШЕВ,
Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг делегати, журналист.

Пётр ШЧЕРБАК,
«Экономика и жизнь» журналининг ходими.

Хориждан хабарлар

БЕРЛИНДА БЕЗОРИЛИК ҲАРАКАТЛАРИ

БЕРЛИН. (**ТАСС мухбири С. Рябикин**). Бир гуруҳ безори ёшлар автобусни тўнтариб, автомобилларни шикастлантирдилар ва ойналарини синдириб ташладилар. ГДР олий лигаси командалари Берлин футбол клуби билан Ауенинг «Висмут» командаси учрашуви тугаганидан сўнг юзлаб ўтакеттан футбол ишқибозлари Фридрих-Людвиг номли марказий стадиондан пойтахт марказига юриш уюштирдилар. Тартибсизликларнинг қатнашчилари саф тортиб, фашистлар рамзи шаклини ҳосил қилдилар. Карл Маркс ва Фридрих Энгельс ҳайкали шу белгининг ўртасида турган эди. Берлиннинг бошқа ноҳияси — Лихтенбергда ўсмирлар бир гуруҳ «сочи қириб олинганларга» ёпирилганлар. Фақат кеч оқшомдагина полиция тартибни ўрнатишга муваффақ бўлган. Ҳаммаси бўлиб 50 киши қўлга олинган. Қўлга олинганлар орасида ГФРнинг бир фуқароси ҳамда Ғарбий Берлинда истиқомат қилувчи икки киши бор.



Булғорияда болаликдан санъатга ихлос уйғотишга катта аҳамият берилади. Мураббийлар бу ёшда мусиқа асбобларидан, ўйинчоқларидан унумли фойдаланишмоқда.

СУРАТДА: «Биз энди ҳақиқий артистлармиз!» — дейишмоқда Велико-Тирново шаҳридаги болалар боғчаси тарбияланувчилари.

София—Пресс агентлиги.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **ПАРИЖ.** Франция президенти Франсуа Миттеран Парижга икки кунга ташриф буюрган Польша ҳукумати бошлиғи Тадеуш Мазовецкийни қабул қилди.

Учрашув тугаганидан кейин Елисей саройи вакили Юбер Ведриннинг уқтиришича, томонлар Франция билан Польшанинг Европа келажакда қандай бўлиши лозимлиги хусусидаги нуқтаи назарлари бир-бирига моҳанд эканлигини таъкидлаганлар.

Германиянинг бирлашиши тўғрисидаги масала муҳокама қилинаётганида Польша ҳукумати бошлиғи Германия — Польша чегараси тўғрисидаги шартнома мумкин қадар қисқа муддатларда, Германия бирлашгунича, имзолангани маъқул, деган фикрни билдирди. У Польша «икки қўшув тўрт» формуласи асосида ўтадиган музокараларда Германия бирлашишининг ташқи жиҳатларини ҳал этишда қатнашишни хоҳлаётганини тасдиқлади.

Франция вакилининг сўзларига қараганда, Франция президенти Франция — Польша музокараларининг асосий мавзуларидан бири бўлган Польшанинг қарзи тўғрисидаги масала кўриб чиқилаётганида «Польшага адвокатлик қилиши»ни таъкидлади.

● **ПРАГА.** Прагадаги Рузин қамоқхонасида маҳбуслар кўтарган исён бостирилди. Жамоат тартибини сақлаш кучларининг махсус отряди тартибни тиклаш ишларини бошлади. Хавфсизлик идораларининг ходимлари тез, қатъий ҳаракатлар билан ҳужум қилиб, маҳбуслар эгаллаб турган бинони ва уларнинг бир қисми жойлашиб олган томни қўлга олдилар. Ушбу операция ички ишлар вазирлиги ва бош прокуратура раҳбарларининг буйруғига биноан ЧСФР ҳукумати билан келишиб ўтказилди. ЧТК агентлигининг хабар қилишича, ўтказилган операция натижасида маҳбуслар орасида қурбонлар бўлмади. Қамоқхона биносидаги ёнғин чоғида куйиш оқибатида бир киши ҳалок бўлди.

(ТАСС).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

136 БОЛАНИНГ ОТАСИ

ЗИМБАБВЕЛИК 68 ЁШЛИ Тума Нзумаказа фарзандларига туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномани олишда катта муаммога дуч келди. Болаларини ҳаммасини — улар эса 136 нафар Мутаре шаҳар муниципалитетига олиб келиш учун бечора ота бутун бир вагонни сотиб олишга мажбур бўлди. Бу воқеадан хабар топган Зимбабведаги катталиги жиҳатидан учинчи ўринда турадиган шаҳар ҳокимлари муниципалитет залини кун бўйи уларга бўшатиб берган. Лекин кун давомида Нзумаказанинг фақат 62 фарзандигина ҳужжат олишга улгурган. Бу серфарзанд отанинг қолган болаларига ҳужжат бериш учун муниципалитет хизматчилари ўзининг 24 хотини билан яшаётган Нзумаказанинг қишлоғига борадиган бўлишди.

ҚАДИМГИ ИГНА

ЮГОСЛАВИЯНИНГ Целе шаҳридаги музейда дунёда энг қадимги бўлган игна сақланмоқда.

У бундан 35 минг йил муқаддам суякдан ясалган бўлиб, шу аср бошида ғорларнинг бирида топилган. Қизиғи шундаки, шакли жиҳатидан бу игна ҳозиргиларидан ҳеч қандай фарқ қилмайди, деб хабар беради Булғорияда чиқадиган «Орбита» ҳафтаномаси.

Ижодкор ёшлар бўлими почтасидан

ИҚТИДОР СОҲИБЛАРИ КЎРИГИ

Камолиддин Беҳзод номидаги 26-ўрта ҳунар-техника билим юрти Тошкентдаги намунали билимгоҳлардан бири ҳисобланади. Билим юртида тасвирий санъат, наққошлик ва бошқа турли тўгараклар мунтазам ишлаб турибди.

Яқинда Тошкент шаҳар 7-ҳунар-техника билим юртида ҳунар-техника билим юртларининг конкурси бўлиб ўтди. Бу кўрикда ўқувчилар ўз қўллари билан бунёд этган нафис санъат асарларини намойиш этдилар. 26-ҳунар-техника билим юртининг жонкуяр ўқитувчилари, тасвирий санъат ва наққошлик тўгарагининг раҳбарлари Зокирхон Боситхонов, Миролим Солиҳовларнинг ўқувчилар билан олиб борган тинимсиз машғулотлари ўз самарасини берди. Ушбу тўгаракнинг аъзолари намойиш этган тасвирий санъат асарлари конкурсда фахрли биринчи ўринни эгаллади.

З. АЗИМХЎЖАЕВА,
Тошкент шаҳри.

ЁШЛИК ШИЖОАТИ ИЛА ТУҒИЛГАН

Бувайда ноҳиясидаги «Партия XX съезди» жамоа хўжалиги қошида жамоа аъзолари, мактаб ўқувчилари ва бошқа касб эгаларидан тузилган яна бир дастага «Хушоҳанг» деб ном берилди. Бу дастанинг ташкил топишида хўжалик комсомол ва касаба уюшмаси ташкилотлари жонбозлик кўрсатдилар. Дастага Шавкатжон Ҳамдамов ва Исоқжон Шаҳобиддиновлар раҳбарлик қилмоқдалар.

Бу йилги «Наврўз» байрами шодухуррамлик ва ўзгача кўтаринки руҳ билан нишонланди. Бу кезларда «Хушоҳанг» ҳам жойларда театрлаштирилган концертлар уюштириб, барчага баҳорий кайфият улашди.

— Дастани ташкил этишдан мақсад, — дейди биз билан суҳбатда хўжалик правлениеси раиси ўринбосари С. Ҳамроқулова, — халқимиз орасида тобора унутилиб бораётган ўзбек халқ қўшиқ ва рақсларини ёшларимизга ўргатиш, уларни халқимиз орасида кенг тарғибот қилиш, қолаверса, қишлоқ ҳаваскорларининг санъатини рўёбга чиқариш, қишлоқда маданиятни янада юксалтириш, қишлоқ меҳнаткашларининг дам олишларини мазмунли ўтказишдан иборат...

Ўз сафига 35 нафардан зиёд ҳаваскор қишлоқ йигит-қизларини бирлаштирган бу навниҳол даста ҳозирда айни ижодий машғулотлар, тинимсиз изланишлар даврида. Ёшлик шижоати ила туғилган, маданиятимизнинг улкан хазинасига ўзининг кичик бир ҳиссасини қўшиб келаётган «Хушоҳанг» ашула ва рақс дастасига ижодий парвозлар тилаймиз.

Б. РАҲИМОВ,
Фарғона вилояти.

ЧУВАШ ХАЛҚИНИНГ ИФТИХОРИ

Тарихда машҳур кишилар кўп бўлган. Шундай кишилардан бири, 1905 йилги рус инқилоби даврида севиб куйланган «Варшавянка», «Марсельеза», «Қизил байроқ», «Биринчи май мадҳияси» каби инқилобий қўшиқларнинг ижодкори, чуваш шоири Константин Иванов эканлигини ҳамма ҳам билмаса керак.

18 ёшидаёқ бир қанча тўпламларининг нашр этилиши шоирнинг юксак маҳорат эгаси бўлганлигини кўрсатади. К. Иванов жуда қисқа вақт, атиги 25 йил умр кўрди (1890 — 1915). Лекин шу давр мобайнида, Некрасов, Огарёв, Толстой, Ушинский каби улуғ ижодкорларнинг бир қанча асарларини чуваш тилига таржима қилишга улгурди. Унинг чизган расмларига ҳар қандай рассом ҳавас қилса арзийди.

Чувашистон АССР Вазирлар Кенгашининг қарорига мувофиқ адабиёт ва санъат, ижро маҳоратидаги етук асарлар учун К. Иванов номли Чувашистон АССР Давлат мукофоти таъсис этилиши чуваш халқининг юлдуздай учиб ўтган улуғ шоирга чексиз ҳурмат рамзи ҳисобланади.

К. Ивановнинг 100 йиллик юбилейи ҳар бир адабиёт мухлисининг бахт-саодати учун яшаётган барча халқларнинг байрамидир.

Прогрессив инсоният ЮНЕСКО қарори билан яқинда шоир туғилган куннинг 100 йиллигини нишонлади.

Л. ДАНИЛОВ,
А. МУСАҚУЛОВ.

ЭҲТИЁЖГА ЯРАША БЎЛСИН

Ҳар сафар харид қилиш мақсадида ноҳиямиздаги ягона китоб магазинига кираман. Лекин бу ерда кўнглимга ёқадиган китобни жуда кам учратаман. Бу камчиликнинг ўзига хос сабаблари бор... Сотувчи Жаҳонгир ака Азимовнинг айтишича, китоб савдоси 1989 йилнинг сентябрь ойидан вилоят китоб савдоси бошқармасига ўтказилган. Қарши шаҳридан Яккабоғ шаҳрига китоб олиб келиш учун эса ҳатто нақлиёт ҳам ажратилмабди...

...Олсанг шу, олмасанг бу ҳам йўқ, деб туриб олган вилоят китоб савдоси бошқармаси раҳбарлари эса китобхонларнинг истагини ҳисобга олмаётирлар.

Шу йилнинг ўтган уч ойи якунида жами йигирма беш минг сўмлик ўрнига, йигирма беш минг олти юз сўмлик иш бажарилган. Шундан тўрт минг сўмини ўзбекча китоблар баҳоси ташкил қилади, холос. Кўриниб турибдики, дўконда тўқсон фоизни русча чоп этилган китоблар ташкил қилади.

Ушбу аҳволга мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари эътибор билан қарашса, халқнинг талаб ва эҳтиёжларига қараб иш юритсалар кўнгилдагидек бўлур эди.

З. РАҲИМОВА.
Яккабоғ ноҳияси.

РЕДАКЦИЯДАН: Шу кунгача ижодкор ёшлар бўлими муштарийлардан 800 га яқин хабарлар, ҳикоя ва мақолалар, 2820 тадан зиёд шеърлар олди. Уларнинг фақат энг яхшиларигина матбуот юзини кўради. Бизга мактуб йўллаган барча муштарийларга миннатдорчилик изҳор этамиз.

Эски эртакнинг янгича талқини

Бор эканда, йўқ экан, бир маконда талабалар яшашаркан, бир куни уларникига хўжалик ҳисоби келибди:

— Талабалар эшикни очинглар, мен хўжалик ҳисобиман, сизга мустақиллик келтирдим.

Талабалар, бу гаплардан кейин эшикни очишлари биланоқ, хўжалик ҳисоби қурилиш отрядлари ҳаракатига ташланиб, барча отрядларни еб қўйибди, фақат биргина отряд беғараз меҳнатдан сақланиб қолибди.

Эртак ўз йўлига-ю, бироқ жумҳуриятимиз талабалар отрядлари ташкилий тузилишлари-ю, иш услубларини ўзгартириб, халқ хўжалигининг кундан-кунга ўзгариб бораётган иқтисодиётида ўз ўринларини топмас эканлар уларни ҳам шу қисмат кутиши турган гап.

Эртагимизда беғараз ишлайдиган отряд тирик қолибди, дедик. Келинг, бу тўғрида муфассалроқ гаплашайлик.

Мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳот талаба отрядлари шарт-шароитининг тубдан ўзгаришига олиб келди. Хўш, бу жараёнда биз учун энг муҳими нима?

Энг аввало, ошкоралик ролининг ошаётгани. У жамиятимиздаги турли гуруҳ ва қатламларнинг ижтимоий ҳимояланмагани, умуман ижтимоий тенгсизлик ҳақида тасаввуримизни кенгайтиради. Ошкоралик қулоч ёзган сари ижтимоий муҳофазага муҳтож инсонлар, ташкилотлар, иншоотларга ҳар томонлама беғараз ёрдам бериш зарурлигини чуқурроқ англай бошладик. Бу ўринда эса талаба отрядлари кўп нарса қилишга қодирлар.

Айни пайтда жамиятни демократиялаштириш ҳам жуда муҳим. Чунки фаолият майдонини кўнгилли, норасмий асосда кенгайтириш имкони туғилди. Асосийси — кўнгиллилик шарти тикланди, «мажбурий» — кўнгилли беғараз меҳнатга таллуқли юқоридан тушириладиган кўрсатмалардан воз кечилди.

Бугунги кунда талаба отрядлари ёшларнинг кўнгилли уюшмаси бўлиши мумкин ва лозим. Қурилиш отрядлари ҳаракатларининг қувватидан уларнинг умумий манфаатлари йўлида фойдаланиш лозим. Бу айниқса, беғараз меҳнат қилувчи отрядларга тааллуқли.

Қайта қуришнинг биз учун яна бир муҳим қирраси — янги иқтисодий муносабатлардир. Биз доирасида иш юритаётган хўжалик механизми келажакда эски шаклда ташкиллаштирилган талаба отрядлари ҳаракатини секинлашиб қолишига ёки умуман йўқолишига олиб келади. Кечаги талаба отрядлари, кўп ҳолларда бугунгиси ҳам, хўжасизликнинг намунасидир. Келажакда корхоналар четдан бундайин малакасиз ишчи кучини жалб қилишдан манфаатдор бўлмасалар керак. Масалан, жумҳурият корхоналари хўжалик юритишнинг янги механизмига ўтишлари билан фақат 1989 йилда талаба қурилиш отрядлари сони икки баравар қисқариб кетди. Ўзбекистондан четга чиқиб ишлаб келадиган отрядлар ҳам бундан мустасно эмас.

Бироқ, шу билан бирга янги хўжалик механизми талабалар меҳнатини ташкиллаштиришнинг янги шакллари, талаба отрядлари ҳаракатининг янги принциплари яратилишига олиб келади. Масалан, кўп тармоқли ёшлар марказлари, талаба ширкатлари, ёшларнинг турли хил меҳнат бирлашмалари ва ҳоказо.

Шуни ҳам назарда тутиш лозимки, янги хўжалик механизми жорий қилингач, кишиларнинг иқтисодий ҳаёт тарзи кескинлашади. Айни пайтда баъзи аҳоли гуруҳларининг ижтимоий ҳимоясизлиги долзарб аҳамият касб этади. Демак, уларга шундай ёрдам, меҳр-шафқат кўрсатиш зарурати янада ортади. Бунда талаба отрядлари, жумладан, беғараз меҳнат қилиш отрядлари катта роль ўйнашлари мумкин. Беминнат ижтимоий ёрдам кўрсатишга интилиш натижасида вужудга келган беғараз меҳнат отрядлари келажакда қолиши учун уларни сунъий равишда талаба отрядлари сафига қўшишдан воз кечиб, бундай меҳнат ғоясига муносабатни ўзгартириш лозим. Биз қандай беғараз меҳнатни қабул қиламиз?

Ҳозир шундай вазият юзага келдики, кўпгина беғараз меҳнат отрядларини аслида шундай деб атаб бўлмайди. Масалан, улар кафолатланган стипендия, ётоқхонада жой, имтиёзли йўлланмалар, мукофотлар, КПССга кириш имконияти, ижобий характеристика олиш, яхши жойга ишга тақсимланиш, маълум сиёсий мавқега эга бўлиш эвазигагина ишлашмоқда. Кўнгиллилик принципи бузилмасада, кўплар бу яширин имтиёзлардан фойдаланиш мақсадидагина отрядларга аъзо бўлишмоқда.

Бироқ, ҳақиқатан ҳам кўнгилли ва беғараз ишлайдиган отрядларда аҳвол ўзгача. Аммо бу ерда ҳам меҳнатни тўлалигича беғараз деб бўлмайди ва у ўзини ҳамма вақт ҳам оқлайвермайди, яъни социализмнинг меҳнатга кўра тақсимлаш принципи бузилмоқда. Дейлик, отряд жангчиси шахсий ёки ота-онасининг маблағи ҳисобига ишлайди. Бизнингча эса беғараз меҳнат икки шаклга эга бўлиши мумкин:

— Беғараз меҳнат — яъни жамият учун фойдали ғояни шахсан қўллаб-қувватлаш истагини ифодаловчи меҳнат.

— Бепул меҳнат — яъни бугунги иқтисодий шароитда жамият ҳақ тўлолмайдиган, бироқ жамият учун фойдали ва зарур бўлган меҳнат.

Отряд жангчилари ишлаб топган пул тўлалигича уларнинг ўзига тегишли. Жангчилар улардан ўз билганларича фойдаланишлари мумкин, жумладан, ҳайрия мақсадларида ҳам.

Бироқ ҳайрияни бу ишни қила олувчи ва унинг зарурлигини ҳис қила олган кишигина амалга ошириши даркор. Демак, бизга талаба отрядларидаги беғаразлик ҳаракати эмас, балки меҳр-шафқат ва ҳайрия ҳаракати керак. Жумҳуриятимиз шароитида унинг мақсади қуйидагилар бўлиши мумкин:

— болалар уйларида, мактаб-интернатларида болалар билан ишлаш;
— соғлиқни сақлаш муаммоси, болалик ва оналикни муҳофаза қилиш;
— қариялар, ногиронлар билан ишлаш;
— экология муаммолари;
— тарихий ва маданий ёдгорликларни ҳимоя қилиш;

Талаба отрядларидаги ҳайрия ва меҳр-шафқат ҳаракати ўз ичига мавжуд беғараз меҳнат отрядлари, ёшлар марказлари ва ширкатлари, юқори самарадорликка эга меҳнат натижаларини ҳайрия ва меҳр-шафқат мақсадларига йўналтирувчи ёшларнинг меҳнат бирлашмаларини ўз ичига олиши мумкин.

Ҳаракатда қатнашиш ҳайрия мақсадларига маблағ ажратиш, деган маънони билдирмайди. Кишиларнинг маънавий эҳтиёжини қондириш учун муайян ҳайрия тадбирларида қатнашиш кифоя бўлиши ҳам мумкин. Мавжуд талаба отрядлари кучига таянувчи беғараз меҳнат отрядлари ҳаракати мамлакатда қулоч ёзган меҳр-шафқат ҳаракатига салмоқли ҳисса қўшиши мумкин. Бу умуман талаба отрядлари ҳаракатига янгича маъно берган бўларди.

1990 йилги меҳнат семестри арафасида бу тўғрида сизнинг фикрингизни билишни истардик, азиз муштарийлар.

А. КОСТИН,
Жумҳурият талабалар отрядлари командирининг муовини.

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ ТАЛАБАЛАР ОТРЯДЛАРИ ҲАМДА ЎҚУВЧИЛАР МЕҲНАТ БИРЛАШМАЛАРИ ЖУМҲУРИЯТ ШТАБИ САҲИФАСИ

БУНЁДКОР ТАЛАБА

№ 2 (165)

Мавзуга қайтиб

Уларни танийимиз

Азиз муштарий! Агар ёдингизда бўлса, рўзномамизнинг шу йил 27 апрель сонида «Уларни танийсизми?» сарлавҳаси остида суратли мақола эълон қилинган эди. «Бунёдкор талаба» саҳифасида чоп этилган суратдаги талабалар ҳақида маълумот олмоқчи эдик. Тўғриси, бунга унчалик ҳам ишонмаганмиз. Қарангки, рўзнома чиққан куниёқ, эрталаб икки йигит хонамизга йўқлаб келди. Қўлларида «Ёш ленинчи»нинг 27 апрель сони. «Бизнинг суратимиз босилган экан», дейишди ийманибгина рўзномага ишора қилиб.

Сўнгра биз улардан талабалар отрядига тааллуқли бўлган барча маълумотларни билиб олдик. Мана улар: «Аякс» талабалар отряди. Тошкент давлат дорилфунунининг рус филологияси факультети негизида тузилган мазкур отряд 1989 йилги меҳнат таътилини Нягань шаҳрида ўтказган.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) отряд командири Шароф Ғаффоров, комиссар Абдумалик Абдураҳмонов, Исмат Ҳасанов, Диёр Аноров. Улар миллий группада ўқишади.


— Отрядимиз номига ҳайрон бўлманг, — дейишади улар. — Футболга қизиқамиз. Шу боисдан ҳам, Голландия футбол командаси номини олганмиз.

Улар 15 нафар эди. Ўша йили «Узтюменжилстрой» қурилиш-монтаж поезди билан шартнома имзолашган. Гарчи шартнома барбод этилган бўлса-да, талабалар ишсиз қолишмади. Анатолий Гончаров етакчилигидаги дурадгорлар бригадасида ишлаб, янги қурилаётган уйларга эшик, ром, ойна ўрнатишда қатнашишди.

Натижа чакки бўлмади. 45 кунлик семестрда ҳар бир жангчи 800-900 сўм атрофида пул олди.

— Мен қаторасига 2 йил Няганга бордим, — дейди Исмат. — Жуда ёқиб қолди. У ерга икки мартадан борганлар кўпчилик. Отрядимизда америкалик талаба ҳам бор эди. У — Карлос Эмилио Трухильо дорилфунуннинг фалсафа-иқтисод факультетида таҳсил олади. Ундан нега энди биз билан узоққа боряпсан, деб сўраганимизда, озроқ пул топиб, уйга бориб келмоқчи эканлигини айтганди. Нияти амалга ошди.

Бу йил Чирчиққа, ҳарбий тайёргарлик бўйича машғулотларга олиб кетишяпти. Акс ҳолда, тағин Няганга отланмоқчи эдик, — дейди Исмат билан Абдумалик сўзларида давом этиб. — Диёр Аноров эса яна бормоқчи.



Биз йигитларга ўқиш ва ишларида омад тиладик.

Муҳаммад АМИН.

Саховатли тадбир

ССССР 60 йиллиги номли «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси тиббиёт санитария қисмининг бош врачи Сергей Тигранович Петросов мактаб ўқувчиларини ишга қабул қилди. Мана бир йилдирки, Соҳибжамол Ўрунов (113-мактаб), Ашод Геворкян (50-мактаб), Наталья Смирнова (47-мактаб)лар ўқишдан ажралмаган ҳолда санитар бўлиб ишлашмоқда.

— Мактаб ўқувчиларини пойтахтдаги Куйбишев ноҳиясининг аҳолини ишга жойлаштириш бюроси тавсия этди, — дейди биз билан суҳбатда Сергей Тигранович. — Уч ўсмирни 0,25 ставка билан ишга олдик. Улар кунора тўрт соатдан ишлайдилар. Ўқувчиларнинг ҳар бирини бир ойдан жарроҳлик, терапия ва бошқа мутахассисликлар бўйича бириктириб қўйдик.

Улар тиббиёт бинтларидан жарроҳлик материаллари тайёрлаш, асбобларни ювиш тартиби, яраларни боғлаш, жароҳатланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш, массаж қилиш каби бир қанча муолажалар ҳамда ҳужжатларни расмийлаштириш, касалликлар профилактикаси бўйича машғулотлар ўтадилар.

— Беморга муомала қилиш, тиббиёт эстетикаси тўғрисида ҳам маслаҳатлар беряпмиз, — деб сўзида давом этади бош врач.

Соҳибжамол Ўрунов: — Мен ТошМИга кириш ниятидаман. Жарроҳ бўлмоқчиман. Бу иш қунт ва тезкорликни талаб этар экан. Бизга тиббиётга оид кўп нарсаларни ўргатишяпти. Албатта ўқишни ҳам ёддан чиқариб қўяётганимиз йўқ.


Ашод Геворкян тери касалликлари шифокори бўлмоқчи. Наталья Смирнова эса косметолог-хирург бўлиш ниятида.

Сергей Тигранович Петросов бошлаган бу ишни саховатли тадбир, деса бўлади. Мамлакатимиз бўйлаб қайта қуриш кенг қулоч ёзаётган бир пайтда жамиятимиздаги ҳар бир киши ўз ўрнини топа билиши жуда муҳим. Ахир болаликдан меҳнатга меҳр қўйиш, ҳунар ўрганиш, озгина бўлса-да оилага моддий ёрдам кўрсатишнинг нимаси ёмон.

Жумҳуриятимиздаги қайси тиббиёт муассасасига борманг, «Бизда санитарка етишмайди, маоши кам бўлганлиги учун бу ишга ким ҳам келарди» тарзидаги дийдиёларни эшитасиз. «Средазкабель» бирлашмаси шифокорлари бошлаган хайрли ташаббусни оммалаштиришнинг наҳотки имкони бўлмаса. Балки, истаган имконият қидиради, хоҳламаган важ, деганлари шудир. Қолаверса, ёшларнинг касб танлашида бу тадбир муҳим ўрин эгаллайди.

Хўш, мазкур масалага тиббиёт муассасалари раҳбарлари нима дейишаркин?

Абдумажид ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги жумҳурият саломатлик марказининг матбуот шўъбаси ходими.



СУРАТДА: пойтахтдаги 113-мактаб ўқувчиси Соҳибжалол Ўрунов ҳамда 50-мактаб ўқувчиси Ашод Геворкянлар иш пайтида.

Ҳар бир кун завқли эди

Олис юртда қувонч ва ташвишлар, таассуротларга бой ўтган кунлар... Уларни эслаш қанчалар ёқимли. Ўтган йили «Тилшунос» отряди институтимиз тарихида илк бор Сибирга йўл олди.

Йигитларимиз Сибирь ҳақида жуда кўп ҳикоялар тинглашган, кинофильмлар кўришган, бошқачароқ қилиб айтганда, сиртдан таниш эдилар, холос. Шу боис олис юртга борган биринчи кунимизданоқ кўтаринки кайфият билан иш бошладик.

Омск шаҳридан 50 километр узоқликда жойлашган «Луч» участкасидаги «Птицеплемпрепродуктор» қурилишида бунёдкорлик ишларини бошлаб юбордик. Турли юмушларни бажаришга тўғри келди. Яхшиям тайёргарлик босқичида қурилиш ишларини пухта ўзлаштирганимиз. Кимдир ғишт терди, бошқа биров сувоқ қилди. Бетон қуйди.

Тўғри, дастлабки кунлари ишимиз унча юришмади. Сабаби таъминотчилар айби билан цемент, шағал ва бошқа қурилиш материаллари ўз вақтида етиб келмади. Лекин биз ҳам тек турмадик. Ишлашга бордикми, ишлашимиз керак-да! «Молодой сибиряк» номли ёшлар рўзномасига мурожаат қилдик. Рўзномадагилар эса Омскнинг «Госагропромстрой»га қарашли 5-ноҳияларaро кўчма механизациялашган колонна раҳбарларининг кўзини мошдек очиб қўйишди. Шундан сўнг ишларимиз юришиб кетди. Том ёпиш, иссиқлик трассасини ўтказиш деганларидек... Умуман отрядимиз жангчилари 70 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини уддаладилар.

Халқ депутатлари Калинин қишлоқ Шўроси йигитларимиз билан мустаҳкам алоқа боғлади. Яқин атрофда жойлашган мактабни таъмирлашда фаоллик кўрсатдик. Тарбияси оғир болаларни оталиққа олдик. Меҳнат ва уруш ветеранлари, байналмилал жангчиларнинг оғирини енгил қилдик.

Жангчиларимиз ташаббуси билан қурилиш отрядларининг слёти бўлиб ўтди. Йигитларимизнинг уддабуронлиги, эпчиллиги, ҳушчақчақлиги йиғилганларда илиқ таассурот қолдирди. Ўша куни миллий таомимиз — палов дамланди. Ўзбекча куй ва қўшиқлар ижро этилди.

Шу ўринда А. Бекмуродов, А. Аҳмаджонов, А. Қўчқоров, Б. Омонбоев, К. Соипов, И. Жалолов каби йигитларимизнинг кўрсатган фидойиликларини алоҳида таъкидлаб ўтишни истайман. Ҳар бир жангчимиз 500—550 сўмдан иш ҳақига эга бўлишди.

Шижоатимиз муносиб баҳоланди. ВЛКСМ Марказий Қўмитаси томонидан «Қурилиш отрядидаги фаол фаолияти учун» нишони билан тақдирландик. Олис юртдаги тенгдошлар билан хайрлашиш қийин бўлди. Биз бир-биримизга шу қадар яқин бўлиб қолган эканмизки, ҳеч ажралгимиз келмади. Бу йил ҳам бунёдкорлик ишларига тайёргарлик кўряпмизу, беихтиёр ўша кунларни эслаяпмиз. Ахир ўтган кунлар завқи ўзгача эди-да. Ҳозир тайёргарлик ишлари олиб борилялти. Йигитларимиз қурилиш ишлари бўйича машғулотларда қатнашишяпти. Амалий ишлар қилишаётир. Сабаби пухта билим ва тажриба ҳамиша қўл келади.

М. ИСМОИЛОВ,
Андижон Тиллар педагогика институти «Тилшунос» отряди командири, филология фанлари номзоди.

Талабалар отрядида ишлаш мажбурийми?

Ҳурматли редакция!

Яқинда содир бўлган бир воқеа бу мактубни ёзишимга сабаб бўлди. Ёшим 25 да. Икки фарзандим бор. Бизга ўтган йили уй-жой қуриш учун 12 сотих ер ажратишди, (турмуш ўртоғим Қува ноҳиясидаги Ильич номли жамоа хўжалигида ишлайди). Уззу кун ўқишда бўлганлигим сабабли ҳануз қурилишни бошлай олганим йўқ. Бу йил ёзги имтиҳонларни топширганимдан сўнг, Қувага қайтиб иш бошламоқчи эдим. Афсус, билим юртимиз комсомол қўмитаси котиби «Имтиҳонлардан сўнг талабалар отряди сафида 40 кунга Қувасойга мева тергани борасан!», деб ҳоли жонимга қўймаётибди. Мен Мансур Абдуллаевга (у кишининг исми-шарифлари шундай) оилавий шароитим оғирлигини тушунтира олмаяпман. У эса мени эшитишни ҳам истамаяпти.

Қадрли редакция ходимлари! Сизлардан «Ёш ленинчи»нинг 11 йиллик доимий мухлиси, қолаверса, нажот кутаётган комсомол аъзоси сифатида илтимос қиламан.

САВОЛЛАР: Талабалар отрядлари сафида меҳнат қилиш мажбурийми? Ёки оилали талабани отрядда меҳнат қилишга мажбурловчи ҳуқуқни комсомол қўмитаси котибларига ким берган?

Расулжон БОЗОРБОЕВ,
Марғилон педагогика билим юртининг 2-курс толиби.

Диққат! Диққат!

Азиз муштарийлар! Талабалар отрядлари ва ёшлар меҳнат бирлашмалари борасидаги, барча хат-хабарларингизни қуйидаги маконга йўллашингиз мумкин: Тошкент шаҳри — 113, Чилонзор даҳаси — 8, Қатортол кўчаси, 60-уй Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси талабалар отрядлари ҳамда ёшлар меҳнат бирлашмалари жумҳурият штаби.

Ёки ҳар ҳафтанинг душанба куни соат 10.00 дан 13.00 га қадар 78-30-44, 78-96-98 номерда Сизни мутахассис кутади.

Муаммолар ютуқлар соясида қолмасин

Айни кунларда вилоят талабалар отрядлари штабида хўжаликлар билан шартномалар тузиш кампанияси ниҳоясига етди.

Вилоят комсомол қўмитасининг февраль ойида бўлиб ўтган бюро йиғилишида талабалар отрядлари бажарган ҳамда қилиниши зарур бўлган ишлар кўриб чиқилди. Бюро мажлиси қабул қилган қарорга мувофиқ талабалардан 1565 киши қўшни Сурхондарё, Фарғона вилоятларида ва қардош Украина, Белоруссия жумҳуриятларида, РСФСРнинг Ноқоратупроқ ўлкаларида, Ставрополь ва Куйбишев вилоятларида меҳнат қилишади. 3000 га яқин йигит ва қизлар қурилиш майдонларида, қишлоқ хўжалигида, соғлиқни сақлаш, савдо соҳасида, таъмирчиликда, консерва комбинатларида, ҳарбий госпиталда, қариялар уйида ва кашшофлар лагерларида ишлаш учун тайёргарлик кўришмоқда.

1990 йилги меҳнат чораги вилоятимиз талабалар отрядлари учун ўзига хос юбилей йилидир. Бундан 25 йил муқаддам, 1966 йилнинг июль-август ойларида Самарқанд Давлат дорилфунунининг талабалари биринчи бўлиб меҳнаткашларга ёрдамга отлангандилар. Ҳозирги кунга келиб, бепоён Ватанимиз ҳудудларида «Самарқанд» деб ёзилган талабалар отрядлари либосини кийган йигит-қизларнинг меҳнати сингмаган бирорта йирик қурилиш объекти қолмади, десак адашмаймиз. Талабаларимизнинг 25 йиллик «Имтиҳон» китобчасига БАМ, КаМАЗ, РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонаси, Узоқ Шарқ, Олтой, Амур, Ёқутистон, Коми, Тува, Карелия, Киров, Куйбишев, Ставрополь, Астрахань, Арманистон ва Тожикистон, Чернобиль АЭС атрофидаги вилоятлар, Орол бўйи ноҳиялари ва вилоятларимизнинг ҳар бир қишлоғи битилган.

Биргина ўтган йилни олсак, 4664 йигит ва қизлар 117 отрядга бирлашиб 3,5 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришда, 3 минг тоннадан кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиштиришда, 96 минг шартли банка ҳисобида маҳсулотларни консерва қилишда меҳнаткашларимизга ёрдам беришди.

Талабалар отрядлари сафида 8 та меҳр-шафқат отряди фаолият кўрсатди. Улар ҳарбий шифохона, қариялар уйида, қишлоқларимиздаги аёлларни тиббий кўрикдан ўтказишда фаоллик кўрсатдилар.

Ўзбекларимизга хос бўлган болажонлик, болаларни севиш каби ҳислатлар талабалар отрядларининг ҳам эътиборидан четда қолмади. Улар шанбалик ва зарбдор кунлардан тушган пулларга автобус олиб, уни шаҳримиздаги 9-болалар уйига совға қилишди, вилоят болалар хирургияси касалхонаси ҳисобига 5 минг сўмдан кўпроқ пул ўтказишди.

Ўқув юртлари билан ташкилотлар ўртасида кўп йиллик шартномалар тузиш анъанага айланиб бормоқда. Самарқанд Давлат педагогика институти ва «Облагропромсоюз»га қарашли 1-механизациялашган кўчма колонна, Каттақўрғон медицина билим юрти ва Н. Козимов номидаги давлат хўжалиги, Беруний номидаги педагогика билим юрти ва Беруний номидаги давлат хўжалиги, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникуми ва 2-механизациялашган кўчма колонналар шулар жумласидандир.

Самарқанд Давлат дорилфунуни тарих факультети талабалари эса Деҳли ва Бомбейлик 8 нафар тенгқурлари билан кўҳна Афросиёб шаҳри археологик қазилма ишларида иштирок этишди.

Самарқанд вилоят комсомол қўмитаси талабалар отрядларининг вилоят штаби СССР Вазирлар Кенгаши, ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ҳамда ВЦСПСнинг кўчма вимпели билан тақдирланди.

Июнь ойи талабалар отрядлари вилоят штаби ташкилотларнинг сарасини-саракка пучагини пучакка ажратадиган бир-икки йилни қисқача таҳлил этсак, қуйидаги манзара ҳосил бўлади. «Агропромсоюз»га қарашли «Ўроқ ва болға» консерва заводи, 5-қурилиш трестига қарашли 395-механизациялашган кўчма колонна, шаҳар ремонт-қурилиш трестига қарашли 171-УНРСР, «1-облагрострой» тресті, «2-облагрострой» трестига қарашли 162-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонналар талабалар отрядларига дўппи тор келгандагина мурожаат қилишади.

Ўтган йиллардаги аҳвол яна такрорланиши кутилмоқда. Негаки, 1989 йилнинг декабрь ойида штаб вилоятимиздаги барча корхоналарга, 1990 йилнинг ёз ойларида талабалар отрядларига бўлган эҳтиёжни ёзма равишда жўнатишларини сўраб, хат жўнатган эди. Афсуски, хатга «Самарқандкимстрой», 5-қурилиш трести, лифт заводи ва «Булунғур» агрокомбинати раҳбарларигина жавоб беришди.

Вилоят ёшлари бундан 5 йил илгари Самарқанд шаҳри аҳолисини ёз ойларида мева, сабзавот билан таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига олган эдилар. Минг афсуски, 2 йилдан буён мазкур масала шаҳримиздаги мева-сабзавот савдоси бўйича масъул ўртоқларнинг айби билан ҳал этилмай келинаётир.

Отрядлар ишини ташкил қилишда асосийси бошланғич отрядни тузиб олиш, унинг раҳбар кадрларини сайлашдир. Афсуски баъзи бир ўқув юртларимизнинг раҳбарлари қурилишда ва қишлоқ хўжалигида ишлайдиган отрядларни тузиш учун жон-жаҳдлари билан қаршилик кўрсатишмоқда. Ўз соҳалари бўйича иш топиб беришни талаб этишаяпти. Умуман, бу борада жиддий ўйлаб кўриш зарур.

Тиббиёт хизматининг қай даражада эканлиги ҳаммага маълум. Шундай вақтда тиббиёт институти талабаларининг ёзги меҳнат чорагини соғлиқни сақлаш муассасаларида ўтказиш борасидаги таклифи вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ҳал этилмай келиняпти. Худди шунингдек савдо, ошпазлик, мактабгача тарбия, кашшофлар етакчилари отрядлари аъзолари ҳам ишга жойлаша олмай сарсон бўлишмоқда. Талабалар отрядлари бажарадиган иш жабҳаси бўлмаган, умуман, уларга эҳтиёж сезмаган, отряд аъзоларини иш ҳақи билан таъминлай олмайдиган, кўнгилли ҳордиқ чиқариш учун шароит яратиб бера олмайдиган ташкилотлар билан мажбурий шартномалар тузиш, бу талабаларнинг ватанпарварлик ҳаракатига тўсқинлик қилишдир. Бугунги талаба — бўлажак раҳбар, ходим. Буни англамасак, ўз қилмишимиз, хўжасизлигимиз, алдамчилигимиз билан нафақат моддий, балки ахлоқий зарар ҳам етказган бўламиз.

Ш. САДИНОВ,
Самарқанд вилоят комсомол қўмитаси талабалар отрядлари ҳамда ёшлар меҳнат бирлашмалари вилоят штаби бош муҳандиси.

Халқимизга оммавий ахборот воситалари орқали тамакининг зарари ҳақида узлуксиз хабар бериб борилади. Лекин олиб борилаётган тарғибот ишларимизнинг самарадорлиги жуда паст даражада. Иттифоқимиз аҳолиси чорак қисмининг кашанда бўлиши фикримизнинг далилидир. Жамиятимизда рўй бераётган носоғлом турмуш тарзини юзага келтириб чиқарувчи баъзи бир нуқсонлар тўғрисида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Биринчи галда болаларга таълим-тарбия берувчи мактабларимизда ўқитувчиларнинг ярмидан кўпроғи иш вақтида ва ундан кейин ҳам бемалол папиросларини тутатиб юрадилар.

Шу хулқи-атворлари билан совет педагоги номига доғ тушираётган ҳурматли маърифатчиларимиз қандай қилиб баркамол инсонни тарбиялашда ўрнак бўла оладилар?

Кейинги навбатда илмига амал қилмайдиган шифокорларнинг хислатлари тўғрисида аччиқ ҳақиқатни айтмоқчиман. Чекиш зарари тўғрисида бир қанча рисолалару мақолалар чоп этдирган ҳурматли олимлар ва мутахассисларимизнинг кўплари ҳам папирос тутишади.

Шунингдек, оилаларимизда ҳам ота-оналар ўзларининг ахлоқ-одоблари билан болаларига тарбия бермоқлари даркор. Афсуски, баъзи ота-оналар фарзандлари олдида чекиб ва ароқ-вино ичиб ўтирадилар. Бу ҳолат албатта ўсиб келаётган авлод тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши ҳақида зарарча бўлса ҳам улар ўйламайдилар.

Кўпчилик одамлар папирос чекилганда ғам-ғусса йўқолади, чарчоқ ёзилади, ишлаш қобилияти тикланади, деган фикрда бўладилар.

Бу ҳолат узоқ давом этмаганлиги учун кетма-кет чекишга мажбур бўладилар, натижада бу хунук одатга ўрганиб, кашанда бўлиб қоладилар. Афсуски, бу энг зарарли одат бугунги кунда «мода» тусига кириб келмоқда. Ортиқча, ҳеч кимга ярашмайдиган, дардга чалинтирадиган чекиш одати эса бир умрга қолади. Ана энди у билан курашиб кўринг-чи. Ҳаққоний маълумот эса аччиқ ҳақиқат тўғрисида эслатиб турсин: Ўпка ракига дучор бўлган беморларнинг 80-85 фоизи илгари кўп йиллар тамаки чеккан. Кунига бир қутичадан кўп папирос чеккан кишилар

Чекишни ташланг!

чекмайдиганларга қараганда 30-40 баробар кўпроқ касалланадилар.

Жаҳон соғлиғини сақлаш ташкилоти маълумоти бўйича ҳар йили дунёда чекиш билан боғлиқ касалликлардан 2,5 миллион кишининг ёстиғи қуримоқда, яъни ҳар 13 секундда бир одам ўз умрига зомин бўлмоқда. Чекадиган ва чекмайдиган кишилар ўртасида учрайдиган функционал бузилишлар, касалликлар таққослаб кўрилганда, тамаки маҳсулотларидан фойдаланадиган одамларда касалланиш бирмунча кўплиги қайд қилинади. Ҳатто унчалик кўп чекмайдиган кишилар ҳам одатда сурункали бронхит билан касалланадилар, ўпка раки эса уларда бирмунча кўп учрайди.

Чекиб ҳавони ифлослантираётган кишиларнинг кўпчилиги касалланиб қолмасдан, балки улар билан бир ишхонада ишлайдиганлар, оила аъзолари ҳам дардга чалинади. Буни қуйидаги мисолдан ҳам яққол кўриш мумкин: чекадиганлар бўлмаган оилалардаги болаларда респиратор касалликлар 13 фоизлиги кузатилган. Оилада битта чекувчи одам бўлса, бу рақам 25,7 фоизга, иккита чекувчи бўлса 44,2 фоизга етади.

Тамаки тутуни таркибида никотин, карбонат ангидрид, углерод оксид, 3,4-бензпирен, водород сульфид моддалари, синил кислоталар ҳамда радиоактивликка эга бўлган кимёвий элементлар бўлади. Бу моддаларнинг организмга кўрсатган таъсири натижасида нафас йўлларида, юрак-қон томир системасида, овқат ҳазм қилиш органларида турли касалликлар келиб чиқади.

Агар папирос ёки сигарета трубка орқали чекилса, трубка ичида саргиш-кўнғир рангли парда ҳосил бўлишини чекадиганлар яхши билишади. Бу нарса тамаки смоласи ёки қатран деб аталади. Чекадиган одам ўпкасини ҳам худди трубкадаги сингари парда ўраб олади. Бу зарарли моддалар аввало юқори нафас олиш йўлларига, кейин эса альвеолаларига (ўпка пуфакчаларига) тушиб, ўтириб қолади. Натижада ҳиқилдоқ, товуш мембраналари, трахея ва бронх шиллиқ пардаларида яллиғланиш жараёни пайдо бўлади. Бронх шиллиқ пардаларидаги киприксимон таёқчалари — эпителийлар билан қопланган бўлади, шу киприкчалар ҳаракати туфайли ҳаво орқали тушаётган заррачалар ушлаб қолинади ва чиқариб юборилади. Чекиш оқибатида пайдо бўлган яллиғланиш туфайли киприкчалар ўз ҳаркатини йўқотади, кейинчалик киприкчалар сони аста-секин камая боради ва натижада ўпкада рак ҳужайралари пайдо бўлиб, рак касаллиги юзага чиқа бошлайди. Ўпка ракининг асосий аломатларига йўталиш, балғам ташлаш, қон туфлаш, кўкракда оғриқ пайдо бўлиши, умумий беҳоллик, ҳансираш кабилар киради.

Келтирилган ҳамма фактлардан тўғри хулоса чиқарган кишиларгина онгли равишда чекишни ташлайди. Шундан сўнг нафас органлари ва юрак-қон томир системасининг фаолияти яхшиланиб, ақлий ва жисмоний иш қобилияти ортади.

Чекишга қарши кураш кампанияси мавсумий тадбир бўлмай, доимо изчил ва муттасил равишда ўтказилиши кўзланган натижаларни беради.

Бу тадбир кенг жамоатчиликнинг ҳаракатлари билан амалга оширилади. Қадимдан ўзбек халқининг миллий ахлоқ-одобда қўлланилган одатлари ҳаётимизга кириб келмоқда.

Айниқса, ўсиб келаётган авлоднинг тарбияси ҳақида нуроний отахонларимизнинг панди-насиҳатлари ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсата олади. Улар ўзларининг ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб, ёшларимизни соғлом турмуш тарзига риоя қилишларида жамоа арбоблари вазифасини бажара оладилар.

Келинг дўстлар! Ҳаммамиз ҳамжиҳатлик билан чекишга қарши курашайлик!

Э. ДАДАХОНОВ,
Тошкент давлат тиббиёт институти онкология кафедрасининг ассистенти, тиббиёт фанлари номзоди.

А. БОБОХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон онкология ва радиология илмий-тадқиқот институти қошидаги жумҳурият ўсма касалликлари марказининг бўлим мудири, тиббиёт фанлари номзоди.

Луқма

Туҳмат учун мукофотми?

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАРКАН. Алғов-далғов замонда нима бўлмайди, дейсизми? Тўғри. Аммо, бутун бир халққа туҳмат тошини отиб, уни ёмонотлиққа чиқариб, икки халқни бир-бирига гижгижлаб, эвазига мукофот олиш... Яна Сталин даври эмас, турғунлик йиллари эмас, шу кунда — қайта қуриш замонида.

«Огонёк» жаридасининг 19-сонини (шу йилги албатта) ўқиб, шундай тилсимотга дуч келдим. Ўқиймиз: «Табриклаймиз. 1989 йилнинг энг яхши журналистик ишлари учун бериладиган Иттифоқ журналистлар уюшмасининг мукофотини олганлар орасида «Огонёк» жаридаси ички сиёсат бўлими муҳаррири Анатолий Головков ҳам бор. У мукофотга «Мулоҳаза учун вақт», «Кўланка», «Ярим емрилиш» сиёсий очерклари учун сазовор бўлган.

Ҳамкасбимизни чин юракдан табриклаймиз. «Огонёк»чилар».

Ўтган йили август ойида матбуот биноси олдида жумҳурият марказий рўзномалари ходимларининг кўпкишилик митинги эсимга келди. Митинг қатнашчилари бўлган журналистлар марказий матбуотда Фарғона воқеаларига бирёқлама баҳо беришга, ўзбек халқини ёмонотлиққа чиқаришга қаратилган мақолаларга қарши норозилик билдиришганди. Асосан гап «Огонёк» жаридасида босилган А. Головковнинг «Кўланка» («Затмение») мақоласи ҳақида эди. Эртаси куни «Ёш ленинчи» рўзномасининг саҳифасида СССР халқ депутатларидан бир гуруҳи «Огонёк»нинг бош муҳаррири В. Коротичга очиқ хат эълон қилишди.

Хўш, нима бўлди? Ҳеч нима. Марказий матбуот норозиликка сукунат билан жавоб қайтарди. СССР халқ депутатларининг II-қурултойида журналист А. Жўрабоев «Огонёк» муҳаррири билан мусоҳаба ўтказганда (бу суҳбат «Ёш ленинчи»да босилган) август ойидаги норозилик митинги ва у қабул қилган Очиқ хат тақдирини суриштиришди. 1988 ва 1989 йилларда икки марта «йилнинг энг яхши муҳаррири» деб топилган В. Коротичнинг жавоби кишини ҳайратга солади. Ярим миллион нусхада чоп этилган СССР халқ депутатларининг Очиқ хати...дан «бехабар экан...». Халқнинг ажойиб мақоллари бор-да. «Қози муттаҳам бўлса, арзингни кимга айтасан»...

Ўтган йили Фарғонада рўй берган фожиа ҳақида бугун тўла тасаввурга эгамиз. Ҳақ ғолиб чиқди. А. Головков каби «ҳақиқатпарвар»лар элимиз бошига «кўланка» солиша олмадилар... Бир томони мукофотли бўлиб қолишганини айтмаса...

Фарғона фожиаларидан сал кейин бу жафокаш эл юртида хизмат юзасидан бўлдим, рўй берган жойлар, унинг иштирокчилари, жабрдийдалари билан суҳбатлашдим. Қадим меҳнаткаш элдан бир олам дард олиб қайтдим. Афсуски, бу дардни муштарийлар билан, халқ билан баҳам кўриш имкони бўлмади. Бу пайтда иттифоқ ва жумҳурият матбуотида воқеаларга бирёқлама баҳо бериш давом этарди: Шунинг учун сафар таассуротларимни вақтида чоп этолмадим. Балким, головковлар сафида туриб, бутун халқни нашавандларга, ароққўрларга, ваҳшийларга, миллатчиларга, экстремистларга чиқарганимда, ҳақиқатдан кўзимни юмиб, виждонимга туфуриб, расмий агентликлар ноғорасига ўйнаганимда қатор мақолалар эълон қилган, бугунда бирорта мукофотга илашган бўлармидим...

Ҳурматли муҳаррир!

«ИТТИФОҚ ЖУРНАЛИСТЛАР уюшмасининг гуҳматчи А. Головковга «Йилнинг энг яхши журналистик иши учун» мукофотини берганини қандай баҳоламоқ керак? Худди шу уюшманинг аъзосиман. Эндиликда унинг аъзолик гувоҳномасини олиб юришда бирор мантиқ қоладими?..

Рўзимбой ҲАСАН.
Иттифоқ журналистлар уюшмаси аъзоси, «Ёш ленинчи» мухбири.



САМАРҚАНДЛИК КЕЛИН.

Суратчи Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзТАГ).

ТВ

1 ИЮНЬ — ЖУМА

БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ХАЛҚАРО КУНИ

● ЎзТВ I

11.30 «Мўъжизалар куни». Фильм-концерт. 11.55 «Салом, болалар». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).

* * *

17.25 Кўрсатувлар тартиби. 17.30 Янгиликлар. 17.35 «Тим исмли машҳур ўрдакча». Мультфильм. 17.55 «Биз билан гўзал чаман». Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро кунига бағишланган кўрсатув. 19.00 «Оналар мактаби». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Алифбо сабоқлари». 20.20 Ўзбекистон Компартияси XXII съезди олдидан. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Одобнома». 21.15 «Камолот сари». Сора Тошматова, Шомаҳмуд Шораҳмедов. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Оила». 23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бурч». 18.45 «Ўзбекистон» телевизион киножурнали. 19.00 Телетомошабинларнинг талабларига мувофиқ. «Омадли жентельменлар». Бадиий фильм («Мосфильм», рус тилида).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Инсон ва қонун». Тележурнал. 21.40 «Она ва болакай». 22.00 «Ахбор». 22.20 «Ёдбуд». Дўстмурод Алиев. 23.30 «Асрлар садоси». Видеофильм.

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.00 «Ғилдиракдаги эртак». «Ғилдиракдаги эртак йўлда давом этади». Мультфильмлар. 1 ва 2-қисмлар («Грузия-фильм»). 8.30 «...16 ёшгача ва ундан каттадар». 9.15 «Қалб қўшиғи». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Боку). 9.45 «Восқилар». Бадиий-публицистик программа. 11.00 «Дунё бўйлаб». Ахборот. 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.20 «Пешвоз чиқиб». Ҳужжатли фильм премьераси (СССР Мудофаа вазирлигининг киностудияси). 16.10 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Г. Шойдагбоева куйлайди. 16.30 Останкино концерт студиясида педагог, Г. А. Струве билан учрашув. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 19.00 Кинопанорама. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 21.05 «Бу бўлганди...». 21.25 Брейн ринг. «Нима? Қаерда? Қачон?». 22.05 «Даврлар гирдоби» (Истамбул калейдоскопи). Телевизион бадиий фильм премьераси. 00.15 «ТТХ». Янгиликлар телевизион хизмати.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

Ёш ленинчи
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР: ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р — 03265. Д. — 23474.